

УДК:614.8.028.4:331.4

**ПАРАНАДАЧИЛИК ФАБРИКАСИ ВА ФЕРМАСИ ҲУДУДЛАРИ
АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ****Ортиқов Азим Ахрорович***Бухоро давлат тиббиёт институти: Ўзбекистон**Email: azim55968gmail.com*

Резюме: Паррандачилик фабрикаси ва фермаси атмосфера ҳавосини ифлословчи асосий манбалардан бири ҳисобланади. Улардан атмосфера ҳавосига захарли газлар (аммиак, водород сульфит) физикавий омиллар (чанглар) ва биологик моддалар (бактериялар, вируслар, замбруғлар) чиқарилади. Бундай омиллар паррандачилик фабрикалари ва фермалари атрофида яшайдиган аҳолига ва ўсимликлар дунёсига таъсир қилиши натижасида салбий оқибатлар келтириб чиқаради.

Калит сўзлар: захарли газлар,чанглар, бактериялар, вируслар.

**ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА АТМОСФЕРНОГО ВОЗДУХА В РАЙОНАХ
ПАРАНОРМАЛЬНОЙ ФАБРИКИ И ФЕРМЫ****Артиков Азим Ахрорович***Бухарский государственный медицинский институт: Узбекистан**Email: azim55968gmail.com*

Резюме: Птицефабрика и ферма являются одним из основных источников загрязнения атмосферного воздуха. Из них токсичные газы (аммиак, сероводород) выделяются в атмосферный воздух под действием физических факторов (пыль) и биологических веществ (бактерии, вирусы, грибы). Такие факторы имеют негативные последствия в результате их воздействия на население и растительный мир, обитающий вокруг птицефабрик и ферм.

Ключевые слова: токсичные газы, пыль, бактерии, вирусы.

**HYGIENIC ASSESSMENT OF ATMOSPHERIC AIR IN THE AREAS OF THE
PARANORMAL FACTORY AND FARM.****Artikov Azim Akhrorovich***Bukhara State Medical Institute: Uzbekistan**Email: azim55968gmail.com*

Resume: Poultry farms and farms are one of the main sources of atmospheric air pollution. Of these, toxic gases (ammonia, hydrogen sulfide) are released into the atmospheric air under the influence of physical factors (dust) and biological substances (bacteria, viruses, fungi). Such factors have negative consequences as a result of their impact on the population and the flora living around poultry farms and farms.

Keywords: toxic gases, dust, bacteria, viruses.

Долзарблиги : Аҳолининг саломатлиги мустақил Ўзбекистон Республикаси сиёсатининг бош мақсади ҳисобланиб, давлатнинг ижтимоий–иқтисодий кўрсаткичларининг асосини ташкил этади. Шунинг учун Республикамиз соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаси аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, мустаҳкамлаш, демак, мамлакатнинг ишчи потенциалини асраб қолишдан иборат.

Аҳоли саломатлик ҳолати – бу динамик жараён бўлиб, атроф ижтимоий муҳит билан чамбарчас боғлиқдир. Атроф ва ижтимоий муҳит кетма-кет ҳамда мақсадли бажариладиган хавфсиз экологияни вужудга келтириш, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиши, халқаро стандарт талабига мос келадиган замонавий технологияни жорий этиш, ишлаб чиқаришнинг зарарли омилларидан муҳофаза қилишнинг индивидуал ва жамоавий муҳофазасини таъминлашни тақозо қилади.

Паррандачилик мажмуалари атмосфера ҳавосининг ҳид ва безовта қилувчи таъсир хусусияти берувчи кимёвий моддалар билан ифлосланишига катта ҳисса қўшади. Паррандачилик фермалари ҳудудида атмосфера ҳавосига зарарли моддалар чиқариш манбалари асосий устахоналар ҳисобланади: паррандачилик уйлари (саноат зоналари, ёш ҳайвонлар зоналари ва наслчилик зотлари), паррандаларни сўйиш цехлари ва қайта ишлаш устахонаси, инкубатор, қозонхона, торф компостлари, канализация иншоотлари ҳисобланади.

Паррандачилик фабрика ва ферманинг жўжаларни парваришлаш, она ва саноат типигаги паррандаларни сақлаш цехлари ҳавосида аммиак миқдорининг белгиланган гигиеник миқдордан бир неча баробар ортиқлиги кузатилди. Цехларда водород сульфит, углерод оксиди ва метилмеркаптан миқдори белгиланган гигиеник меъёрда аниқланди. Ишлаб чиқариш цехлари ҳавосида кимёвий моддалар билан организмнинг физиологик кўрсаткичлар ўртасида боғлиқликни Пирсон усулида корреляция коэффицентини (Z_{xy}) ҳисобланганда ҳаводаги аммиак концентрацияси билан ўпканинг тириклик сифими ўртасида манфий боғлиқ мавжудлиги аниқланди. Бундай ҳолат ўз набатида ҳаводаги кимёвий моддаларнинг кишилар организмига салбий таъсиридан дарак беради.

Назорат остидаги паррандачилик фабрика ва фермадан чангларга олинган намуналар улар миқдорининг озуқа тайёрлаш, она ва саноат типигаги

паррандалар цехларида текширилган меъёрдан юқорилиги аниқланди. Тухум саралаш цехида чанг миқдори белгиланган миқдори белигиланган меъёр даражасида эканлиги кузатилди. Чангларнинг ишчилар организмнинг физиологик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш натижасида ҳаводаги чанг миқдори билан ўпканинг тириклик сифими ўртасида коррелятив боғлиқлик борлиги исботланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, паррандачилик фабрикаси ва фермасида ишчи ўринларида чанг миқдорининг юқорилиги ишчилар соғлигига ва паррандачилик хўжаликлари атрофидаги аҳолига хавф туғдириб, улар ўртасида турли хилдаги касалликларини келтириб чиқариши, паррандачилик хўжаликлари ишчиларни ҳамда атмосфера ҳавосини чанглар ва кимёвий моддалардан ўткир ва сурункали захарланишига олиб келиши мумкин. Шахсан бундай хавф озуқа ишлаб чиқариш, она ва саноат типидagi паррандачилик цехларида мавжуд бўлиб, ушбу цехларда технологик жараёнларни ташкил этиш, ишлаб чиқариш ускуналарини ўрнатиш ва индивидуал, жамоавий химоя воситаларини қўллаш, дастлабки ҳамда даврий тиббий кўрикларни ташкил этишда инобатга олиниши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ortikov A.A. Some hygiene issues according to the conditions of the workers of poultry farms // *Asademicia an International Multidisciplinary Research Journal*. Vol.11, Issue 3, -2021. –с 1274-1279/
2. Ortikov A.A. environmental and hygienic condition and estimation of the working conditions of workers of poultry farming economy// *central asian journal of medical and natural sciences*. -2021.issn(o):2581-6934 -С 229-234.
3. Ortikov A.A. some hygienic issues on the working conditions of poultry farm workers.// *bulletin of the doctor* 99 (2),- PP.74-79
4. Ortikov A.A. Peculiarities of Agricultural Workers// *central asian journal of medical and natural sciences*.// Special issue in Covid-19-2021. –С 266-269.
5. Ortikov A.A. poultry farm as a source of environmental pollution// *asademicia An International Multidisciplinary Research //Journal*. Vol.11, Issue 11, -2021. С-554-558.
6. Yadgarova Shakhodat Salikhovna hygienic assessment of informatization of education and upbringing // *ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali* // – 2022. – P. 124-127.
7. Olimova D. V. Actuality of diagnostic questions and treatment of glossalgii in the clinic of therapeutic dentistry // *OBRAZOVANIE I NAUKA*. – Т. 21. – С. 172-176.
8. Zoyit o'g'li Z. V. Surunkali Virusli Gepatit C Bilan Og'rigan Bemorlarda Jigar Fibrozining Klinik Xususiyatlarini Baholash // *AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI*. – 2022. – С. 24-28.
9. Zokirov V. Z. COVID 19 o'tkazgan va o'tkazmagan jigarning noalkagol yog'xastaligi bilan og'rigan bemorlar klinikasi va laborator tahlillarining solishtirma tahlili // *Scientific progress*. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 670-675.
10. Zokirov V. Z. Assessment Of Comparative Analysis Of The Course Of Non-Alcoholic Fatty Liver Disease In Middle-Aged And Elderly Patients Who Suffer Covid-19 Through Ultrasound Elastometry (Via Fibroscan) // *International Journal of Formal Education*. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 1-5.